



Хозирги кунда ўсимлик, хайвон, минераллардан, кимёвий синтез усуллари, иммунологик, биотехнологик усуллар ёрдамида иммунопрепаратлар, вакциналар, зардоблар комплекс ва индивидуал препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.

---

Шунинг учун дори воситаларини истеъмол қилганда ёки тиббиётда қўллашда нималардан олинган эканлигини аниқлаб, сўнгра истеъмол қилишни такво истаган

юртдошлар учун мақсадга мувофиқ деб топдик.

Инсулин “қанд касаллиги” да ўрин босувчи препарат сифатида жуда кенг қўлланиб келинмоқда. Бу препаратлар одам, қорамол ва тўнғиз ошқозон ости безининг хужайрасидан олинади.

Мисол учун қуйидагиларни келтириш мумкин. Инсулинни олиниш манбалари:

- \* Актрапид – тўнғиз
- \* Актрапид МК – тўнғиз
- \* Илетин I ланта – тўнғиз
- \* Актрапид МК – тўнғиз
- \* Моно инсулин Актрапид МК – тўнғиз
- \* Хумолог – одам
- \* Инсулин хумулин – одам
- \* Инсулин ультраланта – мол
- \* Инсулин ланта GPP – мол
- \* Изофан инсулин НМ – ген муҳандислиги ёрдамида
- \* Хумулин ланта – ген муҳандислиги ёрдамида

Юқоридаги инсулин препаратларининг олиниш манбаларига қараб, тўнғизнинг ошқозон ости безидан олинган инсулиннинг ўрнига қорамол ёхуд одам ошқозон ости безларидан олинган препаратларни ишлатиш маъқул ҳисобланади.

Ҳозирги кунда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари, жумладан гипоацид гастрит касалликларига ойнаижаҳонда “Мезим форте” препарати кенг миқёсда реклама қилиб келинмоқда. Германияда ишлаб чиқилган бу препарат тўнғиз ошқозон ости бези панкреатинидир. Бу препарат, яъни панкреатинни қорамолнинг ошқозон ости безидан ҳам ишлаб чиқарилади. Булар қуйидагилардир: “Панкреатин” (Россия), “Фестал” (Туркия), шулар қаторида “Денистал”, “Пстал”.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда мусулмонлар учун “Мезим форте” ўрнига юқорида номлари тилга олинган, қорамол ошқозон ости безидан олинган “Фестал”, “Пстал”, “Панкреатин” ва бошқаларни дори воситалари сифатида қўллаш мақсадга мувофиқдир.